

4. Худжамшукуров А.Н., Товуқ эймериозида янги эймериостатик препаратларни қўллаш, “Агро ИЛМ” журнали, №2 (40)-сон, Тошкент - 2016. 31-32 б.

5. Гофуров А.Ғ., Давлатов Р.Б., Расулов Ў.И. “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг протозой касалликлари” Самарқанд, 2010.

**УДК: 619:616.981.45.571.1**

## **ҚЎЙ ВА ҚЎЗИЛАРДА ПАСТЕРЕЛЛЁЗ ВА ДИПЛОКОККОЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ БИРГАЛИКДА КЕЧИШИ.**

Кичик илмий ходим Шералиева И.Д.  
Ветеринария илмий тадқиқот институти

**Аннотация:** Мақолада Республикамизнинг баъзи вилоят хўжаликларида айниқса қорақўлчилик хўжаликларида қўй ва қўзиларорасида кўп учрайдиган юқумли аралаш касалликларини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш борасида маълумотлар келтирилган. Маҳаллий штаммлар асосида тайёрланган пастереллёз ва диплококкоз касалликларига қарши экспериментал вакцинани синаш тадқиқотлари, биопрепаратнинг ижобий иммуногенлик хусусиятларига эга эканлиги ёритилган.

**Аннотация:** В данной статье приводятся данные по профилактике диагностике и лечению наиболее распространенных смешанных инфекций среди овец каракулеводческих хозяйств. Приведены результаты испытаний экспериментальных вакцин против пастереллеза и диплококкоза которые свидетельствуют о высокой их иммуногенности.

**Resume:** This article provides data on the prevention of diagnosis and treatment of the most common mixed infections among sheep of karakuls breeding farms. The test results of experimental vaccines against pasteurellosis and diplococcosis are given which testify to their high immunogenicity.

**Мавзунинг долзарблиги.** Пастереллёз ва диплококкоз касаллиги қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг юқумли касаллиги бўлиб, барча турдаги ҳайвонлар касалланади. Касаллик ўта ўткир, ўткир, ярим ўткир ва сурункали шаклларда кечади. Ушбу касалликлар йилнинг ҳамма фасларида учраб туради, айниқса баҳор ойларида кўпроқ учрайди. Пастереллёз касаллигини кўзгатувчиси *Pasteurella* турига кирувчи бактериялар (*P. multocida*, *P. haemolytica*) ҳисобланади. Пастереллёз касаллиги жаҳон бўйича тарқалганлигини ва катта зарар етказишини С.И.Джупина, А.А.Колосов (1992) каби олимлар такидлаганлар. Ўлим 70-75 фоизгача етиб, касал ҳайвонлар озиб кетади. Соғин сигирлар сути кескин камаяди. Даволаш ва олдини олиш учун катта миқдорда маблағ сарфлаш талаб этилади. Қўйчилик чорвачиликнинг асосий тармоқларидан

бири саналади. Бу соҳада ҳам сармоқли фойда олиш мумкин. Бунинг учун қўйларда учрайдиган юқумли касалликларни имкон қадар бартараф этиш талаб этилади. Асосан қўйларда пастереллёз (қора упка), диплококкоз (буғунларнинг шиши) каби касалликлар учраса қўйчиликни ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Диплококкоз қишлоқ хўжалтк ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонларнинг юқумли бактериал касаллиги бўлиб, *Diplococcus lanceolatus* қўзғатади. Касаллик ҳамма ойларда айниқса, қиш ва баҳор ойларида учрайди. Ёш ҳайвонлар туғилган кунидан бошлаб, 2-6 ойлик бўлганга қадар бироқ 15 кунликдан 75 кунликкача даврда касалликка энг кўп чалинади. Ёш ҳайвонларда касаллик ўта ўткир, ўткир ва ярим ўткир шаклларда кечиб уларнинг ўлимига сабаб бўлади. Катта ёшли ҳайвонларда суринкали, баъзан уткир шаклда кечиб, эндометрит аборт касалликларининг ривожланишига олиб келади. Диплококкозни биринчи марта Плаут (1877) ўлган қўзи организмдан ланцетсимон диплококк ажратгандан сўнг ёзган. Агар бу касалликларни олдини олишда ўз вақтида зарурий тадбирлар амалга оширилмаса хўжалик катта иқтисодий зарардан қочиб қутила олмайди. Ветеринария хизмати тизимида биологик ва биокимёвий препаратларнинг етишмаслиги муаммони янада чуқурлаштириб, юқумли касалликларни кенгроқ тарқалишига сабаб бўлади.

Касалликлар биргаликда (аралаш) кечган ҳолда бир организмда учраганда қуйидаги клиник белгилар ва патоморфологик ўзгаришлар кузатилади. Агарда касаллик уткир оқимда ўтса мураккаблашиб жуда оғир ўтади. Организмдаги касаллик турига ва миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Масалан пастереллёз ва диплококкоз касаллик қўзғатувчилари бир организмда учраганда уларнинг клиник белгилари ўзгаради. Яъни касалланган ҳайвонларнинг тана ҳароратининг 41,0-42,0<sup>0</sup>С гача ошиши, нафас олиш қийинлашуви, бурундан қўпикли ва қонли суюқлик оқиши, ҳолсизланиш, қалтираш, озиқадан бош тортиш, иккинчи куни хирриллаш, кўп ётиш ҳолатлари, шиллиқ пардаларнинг қизариши ва қонли ич кетиш кузатилади. Ярим уткир ва суринкали шаклларда ушбу белгиларга артрит, йўтал ва ич кетиш қўшилади. Ўз вақтида ветеринария ёрдами кўрсатилмаса, касалланган ҳайвонлар нобуд бўлади. Қўй ва қўзилар орасида пастереллёз ва диплококкоз касаллигини даволаш ва касалликка қарши курашиш тадбирлари учун катта маблағ сарфланади. Ушбу касалликни кечиши клиникаси даволаш ва олдини олиш масалаларини ўрганиш бўйича Чепуров К.П., Черкасова А.В., Григорян М.И (1966), Махматқулов М.А, Абдусатторов А.А. (1999) Махматқулов М.А. Пармонов Ж.М. (2000), Элмуродов Б.А. Абдалимов С.Х. (2004, 2007), Ибадуллаев Ф.И., Элмуродов Б.А. (2007) каби олимлар иш олиб борган.

Юқорида такидланган муаммолардан келиб чиқиб, Ветеринария илмий-тадқиқот институтида қўзилар пастереллёз ва диплококкоз касаллигининг олдини олиш мақсадида маҳаллий диплококк ва пастерелла

культураларидан фойдаланиб, пастереллэз ва диплококкозга қарши экспериментал ГОА формал вакцина ишлаб чиқилди. Тайёрланган вакцинанинг сифат кўрсаткичлари лаборатория шароитида текширилди. Шу мақсадда вакцинадан суртма тайёрланди, Грам бўйича бўялди ва микроскопия қилинди. Стериллигини аниқлаш учун вакцина намунаси ГПБ, ГПА, 5% қон зардобили ГПБ, 5% қон зардобили ГПА, Китт-Тароцци озуқа муҳитларига экилди. Экилган озуқа муҳитларни  $+37.0^{\circ}\text{C}$  ва  $+38.0^{\circ}\text{C}$  да термостатда 10 кун давомида сақланди. Зарарсизлигини аниқлаш учун вакцина 10 бош оқ сичқонга тери остига 0,5 мл дан инъекция қилинди. 4 бош қўзига 3 мл дан тери остига инъекция қилинди. Вакцина инъекция қилинган ҳайвонлар 10 кун давомида кўзатилди. Кўзатиш мўддати давомида вакцина намуналари экилган озуқа муҳитлари стерил эканлиги, вакцина инъекция қилинган ҳайвонлар тирик ва касаллик аломатлари йўқ эканлиги аниқланди.

Шундан сунг вакцинанинг ўрганиш мақсадида ушбу вакцина қўйларга икки маротаба биринчи маротаба 2 мл иккинчи маротаба 3 мл, 14 кун оралик билан тери остига эмланди. Қўзиларнинг вакцинациядан кейинги иммунологик реакцияни текшириш мақсадида вакцинани бир марта қўллаганда бир ойлик иммунетит самарадорлиги пастереллэзда ўртача 1:900, икки марта эмлаганда 1:1400 даражани ташкил этди. Диплококкозда эса бир марта ўртача 1:900, иккинчи марта 1:1200 даражани ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики қўзиларни биринчи ва иккинчи марта ҳам 3 мл дан вакцинация қилиш мақсадга мувофиқ.



**Грам усулида суртма тайёрлаш.**



### **Пастереллёз ва диплококкоз касаллиги билан ўлган қўзи гавдаси.**

Ўтказилган тадқиқотлар давомида касаллик қўзғатувчилари юктирилгандан сўнг 10 кун кузатиш даврида тажрибадаги қўйларнинг умумий аҳволи, уларда касалланиш белгилари кузатилмади.

Касалликларнинг аралаш ҳолда кечишини даволаш ва олдини олиш учун касалланган ҳайвонларга пастереллёз ва диплококкозга қарши гипериммун қон зардоби даволаш дозасида юборилади ва антибиотиклардан: энрофлоксацилин, стриптомитсин, биомитсинлар қўлланилади. Бунда сульфаниламидлар, глюкоза, кофеин каби симптоматик воситалардан ҳам фойдаланилади.

Гипериммун қон зардоби қўлланилгандан 4-5 кун ўтгач, эмлаш ёшидаги ҳайвонлар пастереллёз ва диплококкозга қарши эмланади.

**Хулоса** қилиб шуни таъкидлаш жоиз, пастереллёз ва диплококкоз касалликларини олдини олиш учун Ветеринария илмий тадқиқот институтида янги яратилган “Пастереллёз ва диплококкоз касалликларига қарши ассоциацияланган вакцина” билан қўй ва қўзиларни вақтида эмланса касалликни олди олинади. Шунинг учун ҳам касалликни даволагандан кўра олдини олган мақул.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Чепуров К.П. «Диплококковые заболевания сельскохозяйственных животных» Благовещенск. 1954.
2. Чепуров К.П., Черкасова А.В. “Диплококковые и стрептококковые заболевания животных”. Киев - 1963.- 160 с.
3. Элмуродов Б.А., Ибодуллаев Ф.И., Махматкулов М. “Қўйлар экспериментал диплококкозида кузатилган патоморфологик ўзгаришлар. // ЎЗР Мустақиллигининг 10 йиллиги ва ЎзВИТИ нинг 75 йиллигига бағишланган халқаро илмий конф. маърузалар матнининг тўплами. Самарқанд 2001 . 97-98бет.
4. Элмуродов Б.А., Парманов Ж.М., Махматкулов М. “Қорақўл қўйларида пастереллёзнинг кечиши ва эпизоотологиясининг ўзига хос хусусиятлари”. “Ветеринария” журнали Тошкент - 1999. № 3. 33 бет.

5. Абдалимов С.Х., Элмуродов Б.А. “Қўй ва қўзилар диплококкози” // Хайвонлар ва паррандаларнинг ута хавфли касалликларини таркалиши ва олдини олишнинг мониторинги. Конф. маърузаларматнининг тўплами. Самарқанд 2006 25-26 бет.
6. Абдалимов С.Х., Элмуродов Б.А. “Диплококкоз” “Зооветеринария” журнали нишона сони 2007. 18 бет.

**УДК:619.615.576.895.1**

**ЧОРВА МОЛЛАРИ АСОСИЙ ГЕЛЬМИНТОЗЛАРИГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ  
АНИҚЛАШ**

\*Джаббаров Ш.А., \*Исаев Ж.М., \*\*Сафаров А., \*\*Қурбонов М.

\*Ветеринария илмий-тадқиқот институти

\*\* Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси

Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмол бозорларида чорвачилик маҳсулотларининг тўкинлиги ва уларни нарх-наволарининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда қорамолчилик, қорақўлчилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, паррандачилик ва балиқчиликда интенсив технологияларни жорий этилаётганлиги ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Хусусан, қабул қилинган Ҳукумат қарорларида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга ошириши натижасида 2019 йилда йирик шохли моллар сони 13 млн. бошга етди, яъни 2010 йилга нисбатан 1,44 маротабага, майда шохли моллар сони 21,9 млн. бошга яъни 1,42 маротабага, шунингдек насли қорамоллар бош сони 11% дан 40% га, паррандалар бош сони эса 87,9 млн. бошга ёки 2,3 маротабага ошди, гўшт етиштириш 170 фоизга, сут ишлаб чиқариш 170,4 фоизга, тухум ишлаб чиқариш 2,6 фоизга кўпайди. Шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 170 фоизга ўсиши таъминланди.

Ўзбекистоннинг табиий иқлим шароити чорвачиликни ривожлантириш учун қулай. Мазкур соҳа чўл ва чўл-яйлов ҳамда тоғ, тоғолди минтақаларида кам харажат сарф қилинган ҳолда сифатли маҳсулот етиштириб, аҳолини гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини, саноатнинг эса жун, чарм ва териға бўлган талабини қондиришда муҳим рол ўйнайди.

Бироқ чорвачиликни ривожлантириш, унинг самарадорлигини оширишда турли инвазион касалликлар тўсиқ бўлмоқда. Булар ичида гельминтозлар асосий ўринлардан бирини эгалайди.